




*2022 июль*

**Аҳолининг даромадлар  
кесимида инфляция даражаси  
ва сезилган инфляция**

---




**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки**

**Тошкент 2022 йил**

## I. Аҳоли томонидан сезилган инфляция динамикаси


Жорий йилнинг июль ойида ўтказилган сўров натижаларига кўра, респондентлар томонидан **сезилган инфляция** кўрсаткичида **пасаювчи** динамика кузатилди ва **16,8 фоизни** ташкил этди. Бунда, жавобларнинг медиана<sup>1</sup> қиймати **14,1 фоиз** атрофида шаклланди (1-расм).

1-расм. Аҳоли томонидан сезилган инфляция динамикаси (фоизда)



Шу билан бирга, умумий жавоб берувчилар таркибида сезилган инфляцияни **9-12 фоиз** атрофида ҳис қилган респондентлар сони кўпроқни ташкил қилди. Жавобларнинг **мода кўрсаткичи**<sup>2</sup> ҳам ўтган ойга нисбатан **сезиларли пасаювчи** динамикага эга бўлди (2-расм).

2-расм. Сезилган инфляция бўйича аҳоли жавобларининг тақсимоти (респондентларнинг сони)




Респондентларнинг кўпчилик қисми июль ойида **шакар, қандолат, нон** ва **ун** маҳсулотлари ҳамда **ёқилғи** нархларининг нисбатан кўпроқ,

<sup>1</sup> **Медиана қиймати** – ўтган 12 ойда инфляция бўйича жавоблар вариацион қаторини тенг иккига бўлувчи қиймати.

<sup>2</sup> **Мода қиймати** – ўтган 12 ойда инфляция даражаси бўйича респондентлар томонидан энг кўп белгиланган жавоблар қиймати.

шунингдек, **дуккакли** маҳсулотлар, **маиший** хизматлар ҳамда **алоқа ва интернет** нархининг бироз секинроқ ошганини сезишган (3-расм).

3-расм. Нархлари юқори ўсганлиги қайд этилган жавоблар (умумий жавобларга нисбатан, фоизда)



Фаолият соҳалари бўйича **маиший хизмат** ва **савдо соҳасида** фаолият юритаётганлар, шунингдек, талабаларда сезилган инфляция даражаси бошқаларга нисбатан пастроқ шаклланди.

4-расм. Соҳалар ва ҳудудлар кесимида сезилган инфляция (фоизда)



Ҳудудлар кесимида

Аҳоли	
Тошкент вил.	18,3
Фарғона вил.	18,1
Тошкент ш.	17,9
Бухоро вил.	17,7
Самарқанд вил.	17,4
Наманган вил.	16,9
<b>Республика</b>	<b>16,8</b>
Жиззах вил.	16,1
Андижон вил.	16,0
Навой вил.	15,7
Хоразм вил.	15,5
Қорақалпоғистон Респ.	15,1
Сурхондарё вил.	15,0
Сирдарё вил.	14,7
Қашқадарё вил.	13,6


Сезилган инфляциянинг нисбатан юқори кўрсаткичлари **Тошкент вилояти** ва **Тошкент шаҳри** ҳамда **Фарғона** вилоятида кузатилган бўлса, нисбатан паст кўрсаткичлар **Қашқадарё** ва **Сирдарё** вилоятларида қайд этилди.

Маълумот учун, июль ойида республика бўйича нархлар даражаси 0,1 фоизга пасайган бўлиб, ҳудудлар кесимида истеъмол нархларида **ўсиш кўрсаткичи** фақатгина Тошкент шаҳрида (0,1 фоиз) кузатилди.

## II. Даромадлар кесимида инфляция динамикаси

2022 йилнинг июль ойи якунлари бўйича йиллик инфляция даражаси **12,3 фоизни**, озиқ-овқат маҳсулотлари инфляцияси эса **16,3 фоизни** ташкил этди. Бунда, истеъмол товарлари нархларининг ўзгариши аҳолининг турли даромадли гуруҳларида сезилиши турлича қийматга эга бўлди.

5-расм. Даромадлар кесимида йиллик инфляция динамикаси (йиллик фоизда)



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари


Хусусан, июль ойида барча даромад гуруҳларида озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг пасайиши рўй бериб, бу ёз мавсумида асосий турдаги мева ва сабзавотларнинг мавсумий арзонлашиши билан изоҳланади.

Даромадлари кўпайиб борган респондентларнинг харажатларида озиқ-овқат нархлари нисбатан пасайиб, аксинча, ноозиқ-овқат товарлари бўйича нархлари ошиб борганлиги кузатилди.

Шунингдек, барча даромад гуруҳларида хизматлар нархи ўсувчи динамикага эга бўлди.


Жорий йил июль ойига келиб, ижтимоий товарлар<sup>3</sup> нархлари ўсиши (йиллик ҳисобда) **18 фоизга** тенг бўлиб, умумий инфляция билан орадаги фарқ **5,7 фоизни** ташкил этди.

6-расм. Ижтимоий товарлар нархлари ўсиши ва умумий инфляция (фоизда)



Ижтимоий товарлар нархларининг ошиши парранда гўшти, пиёз, гуруч, кунгабоқар ёғи, шакар ва буғдой уни нархларининг йиллик ҳисобда қимматлашиши билан изоҳланади.

7-расм. Ижтимоий товарлар нархлари ўсиши ва умумий инфляция (фоизда)



Сабзи ва олма нархларининг мавсумий арзонлагани, шунингдек, мол ва қўй гўшти нархлари ўсишининг секинлашгани ижтимоий товарлар нархига пасайтирувчи таъсир кўрсатди.

<sup>3</sup> Ижтимоий товарлар: мол гўшти, қўй гўшти, парранда гўшти, тухум, картошка, пиёз, сабзи, олма, гуруч, биринчи навли буғдой уни, обинон, ўсимлик ёғлари ва шакар (умумий инфляция таркибидаги вазни - 15,4 фоиз).